**В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАДАЛИЕВ ЎКТАМЖОН ХАСАНБОЕВИЧ**

# НИЛРАДИКАЛИ БЕРИЛГАН ЕЧИЛУВЧАН ЛЕЙБНИЦ АЛГЕБРАЛАРИНИНГ ҚАТТИҚЛИГИ

**01.01.06 – Алгебра**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ**
**бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**УДК: 512.554**

## Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

## Оглавление автореферата докторской диссертации

## доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

## Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

**В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАДАЛИЕВ ЎКТАМЖОН ХАСАНБОЕВИЧ**

# НИЛРАДИКАЛИ БЕРИЛГАН ЕЧИЛУВЧАН ЛЕЙБНИЦ АЛГЕБРАЛАРИНИНГ ҚАТТИҚЛИГИ

**01.01.06 – Алгебра**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ**
**бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/FM229 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Омиров Бахром Абдазович**<br>физика-математика фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Арзикулов Фарходжон Нематжонович**<br>физика-математика фанлари доктори |
| | **Эшматов Фарход Хасанович**<br>физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим |
| **Етакчи ташкилот:** | **Қорақалпоқ давлат университети** |

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика Институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «23» декабр соат 17:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4б-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (108-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4б-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «15» декабр куни тарқатилди.
(2020йил «15» декабр даги 2-рақамли реестр баённомаси).

**У.А.Розиков**
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

**Ж.К.Адашев**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.н

**А.Р.Хаётов**
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси ўринбосари ф.-м.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Замонавий математика ва физиканинг баъзи илмий тадқиқотлари операторлар алгебралари ва алгебраик системалар назариясига қаратилган. Алгебраик воситалар квант механикасидаги элементар зарраларни, қаттиқ моддалар ва кристалларнинг хусусиятларини ўрганишда, иқтисодиётнинг моделлашган муаммоларини таҳлил қилишда, популяция генетикаси муаммоларида ва бошқа масалаларда жуда фойдалидир. Замонавий алгебра негизлари чекли группалар ва чекли ўлчамли ассоциатив алгебралар назариясига бориб тақалади. Кейинчалик, алгебраик системаларнинг ривожланиши ва уларнинг математика ва физиканинг бошқа соҳалари билан алоқалари янги алгебраларнинг, жумладан альтернатив, Йордан ва Ли алгебраларининг пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу объектларнинг ҳар бири фундаментал ва амалий фанларда қўлланилиши туфайли мухим аҳамиятга эга. Ли алгебралари соҳасидаги кўп йиллик тадқиқотлар бу алгебраларнинг бир қатор умумлашмаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Масалан, Ли суперaлгебралари, бинар Ли алгебралари, Лейбниц алгебралари ва бошқалар. Лейбниц алгебралари Ли алгебраларининг умумлашмаси бўлганлиги сабабли, Ли алгебралари назариясининг кўплаб натижаларини Лейбниц алгебралари ҳолида ҳам кенгайтириш мумкин деб тахмин қилиш табиийдир. Шу билан бирга Ли бўлмаган Лейбниц алгебралари учун тегишли бўлган натижаларни исботлашга алоҳида аҳамият берилади.

Ҳозирги вақтда замонавий алгебранинг муҳим йўналишларидан бири Лейбниц алгебралари назариясини тадқиқ қилишдир. Эслатиб ўтамиз, Ли алгебраларини табиий равишда умумлаштирадиган ва Лейбниц айнияти билан бериладиган ушбу алгебралар синфи биринчи марта Блох томонидан 1965 йилда D-алгебралар номи билан таклиф қилинган. Таъкидлаш жоизки, Лейбниц айниятининг бажарилиши, алгебра элементига ўнгдан кўпайтириш операторининг алгебра учун дифференциаллаш бўлишига тенг кучлидир. Шунинг учун D-алгебраларни, ҳар бир алгебра элементига ўнгдан кўпайтириш оператори дифференциаллаш бўлишининг шарти билан ҳам аниқлаш мумкин. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида D-алгебралар Ж.-Л. Лоде ва Т. Пирашвилининг ишларида Лейбниц алгебралари деб номланиб ўрганила бошланди. Шундан сўнг Лейбниц алгебраларига қизиқиш кескин ортиб кетди.

Шуни таъкидлаш керакки, Лоде ва унинг шогирдлари тадқиқотларининг асосий йўналиши Лейбниц алгебраларининг когомологик муаммоларига бағишланган эди. Шу билан бирга чекли ўлчамли алгебраларнинг бирор кўпхиллигини ўрганишга табиий ёндашиш, масалан, структуравий назарияни қуриш улар томонидан қаралмаган. Структуравий назарияни ўрганишга бағишланган дастлабки натижалар Ш.А.Аюпов ва Б.А.Омировнинг ишларида пайдо бўлди. Хусусан, 3 ўлчамли комплекс Лейбниц алгебраларининг таснифи олинган, нилпотент ва ечилувчан Лейбниц алгебраларининг классик хоссалари тавсифланган. Ҳозирги вақтда алгебраик ёпиқ майдон устидаги чекли ўлчамли Лейбниц алгебраларининг тузилиш назариясининг асосий скелети тўлиқ деб айтишимиз мумкин. Бу ишлар асосан Ш.А. Аюпов ва унинг шогирдлари, шунингдек Барнс, Горбацевич, Казас ва Ладра каби хорижий олимларнинг тадқиқотларига тегишли. Лейбниц алгебралари устидаги кейинги изланишлар бошқа классик алгебраларнинг кўпхилликлари билан ўзаро боғлиқликларни топиш ва уларни физикада қўллаш йўналишида олиб борилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу изланишлар Ли алгебраларига бошқа назар билан қарашга имкон бермоқда. Ўз навбатида бу нафақат Ли алгебралари учун амал қиладиган натижаларни умумлаштиришга, балки Ли алгебралари назариясидаги ҳал қилинмаган муаммоларни ҳам якунлашга имкон берди. Масалан, нилиндекси (n-3) бўлган табиий усулда градуирланган Лейбниц алгебраларини таснифлаш бўйича натижа ҳам ушбу турдаги Ли алгебраларини таснифлашни умумлаштирди. Бу нилпотент Ли алгебраларини таснифлашнинг маълум усуллари такомиллаштирилганлиги туфайли амалга ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сонли Қарори, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарори, 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387-сонли Қарори ва 2020 йил 7 майдаги «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4708-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ассоциатив бўлмаган алгебраларни ва классик конструкцияларнинг аналогларини ўрганиш, уларнинг математика ва физиканинг кўплаб соҳаларида қўлланилиши билан боғлиқ ҳолда ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Ли алгебралари назариясининг кўплаб классик натижалари Лейбниц алгебралари ҳолида ҳам татбиқ этилади. Масалан, Лейбниц алгебралари учун Леви теоремасининг аналогини Барнс ҳамда Блох исботлашди. У ҳар қандай чекли ўлчамли Лейбниц алгебрасини ечилувчан радикалнинг ва ярим содда Ли қисм алгебрасининг ярим тўғри йиғиндисига ажратиш мумкинлигини исботлади. Ярим содда Ли алгебраларининг тавсифи маълум бўлганлиги сабабли, чекли ўлчамли Лейбниц алгебраларини тавсифлаш муаммоси ечилувчан қисмини ўрганишга келтирилди. Нилрадикали берилган ечилувчан Ли алгебраларини тавсифлашга ёндашиш Малцев томонидан ишлаб чиқилган ва кейинчалик Мубаракзянов томонидан ривожлантирилган услубга асосланган. Анкочеа, Ндогмо, Винтерниц, Тремлей, Ван, Лин, Дэн ва бошқаларнинг ишлари турли хил нилрадикалли ечилувчан Ли алгебраларини тавсифлашга бағишланган. Б.А.Омиров ва бошқаларнинг иши туфайли, Г.М. Мубаракзянов томонидан ишлаб чиқилган ечилувчан Ли алгебраларини тавсифлаш усули Лейбниц алгебралари ҳолида кенгайтирилди. Бу ерда чекли ўлчамли Лейбниц алгебраларини таснифлаш муаммоси нилпотентларни ўрганишга келтирилди. Ечилувчан Лейбниц алгебралари учун ҳам шунга ўхшаш натижалар мавжуд, яъни ҳар хил нилрадикалли ечилувчан Лейбниц алгебраларининг таснифлари мавжуд. Масалан, нилрадикал Гейзенберг алгебраси, филиформ, нол-филиформ, табиий усулда градуирланган филиформ, нол-филиформ алгебраларнинг тўғри йиғиндиси, шунингдек нилрадикал табиий усулда градуирланган квази-филиформ Лейбниц алгебраси ва бошқалар бўлган ҳоллар кўриб чиқилган.

Айниятлар билан бериладиган бошқа чекли ўлчамли алгебралар сингари, берилган ўлчамдаги Лейбниц алгебралари ҳам алгебраик кўпхилликни ҳосил қилади. Ҳар қандай алгебраик кўпхиллик чекли сондаги келтирилмайдиган компоненталарнинг бирлашмаси сифатида ифодаланганлиги ва улар ўз навбатида, очиқ қисм тўпламлар билан тавсифланганлиги сабабли, чекли ўлчамли алгебраларнинг кўпхилликларини тавсифлашда чизиқли группа таъсирида орбиталари очиқ тўпламлар бўлган алгебраларнинг тавсифи муҳим рол ўйнайди. Бундай орбиталарга эга алгебралар *қаттиқ* алгебралар деб аталади. Қаттиқ алгебра орбиталарининг ёпилмаси кўпхилликнинг келтирилмайдиган компоненталарини беради. Алгебранинг қаттиқлиги тушунчасини бошқа терминларда ифодаловчи турли критерийлар мавжуд. Ушбу критерийлардан энг муҳими Ли алгебралари учун Ниенхейс ва Ричардсон томонидан иккинчи когомологик группа ёрдамида исботланган қаттиқликнинг етарлилик критерийсидир. Лейбниц алгебралари учун худди шундай натижани Балавуан исботлаган. Яъни, коэффициентлари модулда регуляр тасвир билан берилган иккинчи когомология группасининг тривиаллиги алгебранинг қаттиқлигини англатади.

Анкочеа, Гозе, Фиаловский, Миллионшчиков, Хакимджанов ва бошқаларнинг ишларида Ли алгебраларининг баъзи синфларининг когомологик группаларини хоссалари тавсифланган. Шуни таъкидлаш керакки, 2-когомологик группаларни ҳисоблаш жуда мураккаб арифметик ҳисоблашлар билан боғлиқ. Хохшилд ва Серр Ли алгебралари учун когомология группаларини ҳисоблашни анча соддалаштирадиган теоремани исботлади.Ушбу теоремадан фойдаланиб, Анкочеа ва Кампоамор-Стурсберг ихтиёрий характеристик кетма-кетликка эга модел нилрадикалли ечилувчан Ли алгебрасининг биринчи ва иккинчи когомологик группаларининг тривиаллигини исботлади. Лейбниц алгебралари учун Хохшилд-Серр теоремасининг аналоги, афсуски, ҳозирда мавжуд эмас. Шунинг учун ҳар бир ҳолатда қаралаётган алгебра структурасидан фойдаланишга тўғри келади. Масалан, Анкочеа ва Кампоамор-Стурсберг ишларининг Лейбниц аналоги сифатида, биз ушбу диссертацияда ихтиёрий характеристик кетма-кетликка эга Ли бўлмаган модел нилрадикалли ечилувчан Лейбниц алгебраларининг тўлиқлиги ва когомологик қаттиқлигини исботладик.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ОТ-Ф4-31 “Нокоммутатив модуллар, Лейбниц алгебралари ва симплексда полиномиал каскадлар” (2017-2020 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** нилрадикали берилган ечилувчан Лейбниц алгебраларини тавсифлаш ва уларнинг кичик тартибли когомологик группаларини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ихтиёрий характеристик кетма-кетликка эга Ли бўлмаган модел нилрадикалли ечилувчан Лейбниц алгебраларини тавсифлаш;

берилган нилпотент Лейбниц алгебраларининг максимал ечилувчан кенгайтмаларининг тўлиқлигини аниқлаш;

берилган нилрадикалли ечилувчан Лейбниц алгебраларининг иккинчи когомологик группаларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ечилувчан Лейбниц алгебраларидан, дифференциаллашлар ва когомологик группалардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** филиформ, квази-филиформ нилрадикалли ечилувчан Лейбниц алгебралари, ихтиёрий характеристик кетма-кетликка эга Ли бўлмаган модел нилрадикалли ечилувчан Лейбниц алгебраларидир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ассоциатив бўлмаган алгебралар назарияси усуллари, структуравий усуллар, когомологиялар усуллари ва инвариантлар назарияси усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ихтиёрий характеристик кетма-кетликка эга Ли бўлмаган модел нилпотент Лейбниц алгебрасининг максимал ечилувчан кенгайтмасининг таснифи олинган;

нилрадикали ихтиёрий характеристик кетма-кетликли модел алгебрасидан иборат бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларининг тўлиқлиги ва когомологик қаттиқлиги исботланган;

максимал узунликдаги квази-филиформ Лейбниц алгебраларининг максимал ечилувчан кенгайтмаларининг тўлиқлиги ва когомологик қаттиқлиги кўрсатилган;

берилган филиформ нилрадикалга эга ечилувчан Лейбниц алгебрасининг когомологик қаттиқлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Диссертацияда қўлланилган натижалар ва усулларни олий ўқув юртлари магистрантлари ва докторантлари учун махсус курсларни ўқишда қўллаш мумкин. Бундан ташқари, ечилувчан Лейбниц алгебраларини тавсифлаш ва ечилувчан Лейбниц алгебраларининг 2-когомологик группаларини ҳисоблаш билан боғлиқ диссертация натижалари чексиз ўлчамли Ли алгебралари учун ўхшаш натижаларни олиш ва ечилувчан Лейбниц алгебраларига нисбатан бир қатор гипотезаларнинг ўринлилигини текширишга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** алгебраларнинг бошқа синфлари учун маълум тадқиқот усулларидан фойдаланиш ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган. Олинган натижаларнинг исботлари математик жиҳатдан тўғри.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишда олинган илмий натижалар алгебраларнинг бошқа кўпхилликларини кейинги тадқиқотлари учун ишлатилиши мумкин. Хусусан, ушбу диссертацияда ишлаб чиқилган техника ва усуллардан барча Лейбниц алгебраларининг кўпхилликларидаги қаттиқ алгебраларни топишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалардан Лейбниц алгебраларининг когомологиялар назариясида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олинган натижалар қуйидаги илмий лойиҳаларида фойдаланилган:

максимал узунликдаги квази-филиформ нилрадикалли баъзи ечилувчан Лейбниц алгебраларининг когомологик қаттиқлиги ҳақидаги натижа FRGS/1/2016/STG06/UPM/03/2 рақамли «Алгебраларнинг айрим синфларининг умумлаштирилган дифференциаллашлари ва уларнинг қўлланилиши» хорижий лойиҳасида чекли ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраларининг айрим синфлари дифференциаллашлари алгебраларини тавсифлаш учун фойдаланилган (МАРА Технология университетининг 2020 йил 6-ноябрдаги маълумотномаси, Малайзия). Илмий натижанинг қўлланилиши чекли ўлчамли ноассоциатив алгебраларнинг аниқ синфларининг дифференциаллашлари алгебрасини тавсифлаш имконини берган;

нилрадикали берилган ечилувчан Лейбниц алгебраларининг когомологик қаттиқлиги ва тўлиқлиги ҳақидаги натижа ОТ-Ф4-82 + ОТ-Ф4-87 «Операторлар ва ноассоциатив алгебраларнинг локал дифферециаллашлари ва автоморфизмлари, чизиқли бўлмаган динамик системада фазовий ўтиш ва тартибсизликлар» + «Евклид ва псевда-Евклид фазолардаги глобал эгри чизиқлар ва сиртларнинг инвариантлари назарияси ва унинг механикада қўлланилиши» лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси фанлар Академиясининг 2020 йил 2 декабрдаги 2/1255-2708-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши нилрадикали максимал узунликдаги квази-филиформ Лейбниц алгебраси бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларининг классификациясини ва уларнинг дифферециаллашларининг тавсифларини олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий, 5 таси республика журналларида, шунингдек 9 та маъруза тезисларида илмий конференцияларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисм, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 79 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нилрадикали ихтиёрий характеристик кетма-кетликка эга бўлган ечилувчан Лейбниц алгебралари**» деб номланувчи биринчи бобида Ли алгебралари ва Лейбниц алгебралари назарияларидан зарур тушунчалар ва ёрдамчи натижалар келтирилган. $(m_1,\ m_2)$ га тенг характеристик кетма-кетликка эга нилрадикалли ечилувчан Лейбниц алгебралари тавсифланган. Шунингдек, нилрадикалга тўлдирувчи қисм фазосининг ўлчами максимал қийматга эга деган шарт остида, характеристик кетма-кетлиги $(m_1,\ \dots,\ m_s)$ га тенг бўлган, Ли бўлмаган модел нилрадикалли ечилувчан Лейбниц алгебралари тавсифланган.

**Таъриф 1**. $\mathbb{F}$ майдон устида аниқланган G алгебранинг ихтиёрий $x$, $y$, z элементлари учун қуйидаги айниятлар бажарилса,

$[x, x] = 0$ – антикоммутативлик айнияти,

$[[x, y], z] + [[y, z], x] + [[z, x], y] = 0$ – Якоби айнияти,

G алгебра Ли алгебраси дейилади, бу ерда [-,-] – G алгебрада аниқланган кўпайтириш амали.

**Таъриф 2**. $\mathbb{F}$ майдон устида аниқланган $L$ алгебранинг ихтиёрий $x$, $y$, $z$ элементлари учун қуйидаги Лейбниц айнияти бажарилса,

$$[x,[y,z]] = [[x,y],z] - [[x,z],y],$$

$L$ алгебра Лейбниц алгебраси дейилади, бу ерда [-,-] – $L$ да аниқланган кўпайтириш амали.

Ихтиёрий $L$ Лейбниц алгебраси учун қуйидаги қуйи марказий ва ҳосилавий кетма-кетликларни мос равишда аниқлаймиз:

$$L^1 = L,\quad L^{k+1} = [L^k, L^1];\ L^{[1]} = L,\ L^{[k+1]} = [L^{[k]}, L^{[k]}],\ k\geq 1.$$

**Таъриф 3**. $L$ Лейбниц алгебраси учун шундай $s\in\mathbb{N}$ сон мавжуд бўлиб, $L^{[s]} = 0$ (мос равишда, $L^s = 0$) бўлса, у ҳолда $L$ ечилувчан (мос равишда, нилпотент) Лейбниц алгебраси дейилади.

Ихтиёрий Лейбниц алгебрасининг максимал нилпотент идеали унинг нилрадикали дейилади.

**Таьриф 4.** $L$ Лейбниц алгебраси, агар $\dim L^i = n - i,\ 2\leq i\leq n$ бўлса, филиформ Лейбниц алгебраси дейилади, бу ерда $n = \dim L$.

Табий усулда градуирланган Лейбниц алгебраси таърифини келтирамиз.

$L$ чекли ўлчамли нилпотент Лейбниц алгебраси бўлсин. $\mathrm{gr}(L)_i{:=}L^i/L^{i+1}$, $1\leq i\leq s-1$ деб оламиз, бу ерда s – $L$ алгебранинг нильиндекси ва $\mathrm{gr}L=\mathrm{gr}(L)_1\oplus\mathrm{gr}(L)_2\oplus\ \dots\ \oplus\mathrm{gr}(L)_{s-1}$ деб белгилаб оламиз. gr$L$ да кўпайтмани қуйидагича аниқлаймиз:

$$[x+ L^i, y+ L^j]_{\mathrm{gr}L} = [x, y] + L^{i+j-1},\ \text{бу ерда}\ x\in L^{i-1},\ y\in L^{j-1}.$$

У ҳолда $[\mathrm{gr}(L)_i, \mathrm{gr}(L)_j]_{\mathrm{gr}L}\subseteq\mathrm{gr}(L)_{i+j}$ бўлади ва биз gr$L$ градуирланган алгебрани ҳосил қиламиз.

**Таьриф 5.** Юқорида қурилган градуировкани *табиий градуировка* деб атаймиз. Агар $L$ Лейбниц алгебраси grL алгебрага изоморф бўлса, у ҳолда $L$ *табиий усулда градуирланган Лейбниц алгебраси* деб аталади.

Маълумки, ҳар қандай $n$-ўлчамли комплекс табиий усулда градуирланган Ли бўлмаган филиформ Лейбниц алгебраси қуйидаги ўзаро изоморф бўлмаган алгебралардан бирига изоморф:

$F_n^1$: $[e_1,e_1]=e_3$, $[e_i,e_1]=e_{i+1}$, бу ерда $2\leq i\leq n-1$,

$F_n^2$: $[e_1,e_1]=e_3$, $[e_i,e_1]=e_{i+1}$, бу ерда $3\leq i\leq n-1$.

**Таьриф 6.** Айтайлик $L$ – $n$-ўлчамли Лейбниц алгебраси бўлсин. Агар унинг нильиндекси $n$-1 га тенг бўлса, у ҳолда $L$ квази-филиформ Лейбниц алгебраси дейилади.

Айтайлик $L$ – нолга тенг бўлмаган фазоларнинг чекли сони билан Z-градуирланган Лейбниц алгебраси, яъни $L=\bigoplus_{i\in Z} V_i$ бўлсин, бу ерда ҳар қандай $i, j\in Z$ лар учун $[V_i, V_j]\subseteq V_{i+j}$.

L нилпотент Лейбниц алгебраси, агар $L=V_{k_1}\oplus V_{k_2}\oplus\ \dots\ \oplus V_{k_t}$ бўлса, бу ерда барча i ($k_1\leq i\leq k_t$) лар учун $V_i\neq 0$, боғланган градуировкани қабул қилади деймиз.

$len(\oplus L)=k_t-k_1+1$ сони *градуировканинг узунлиги* дейилади. Кейинчалик, $l(L)=\max\{len(\oplus L)=k_t-k_1+1 \mid L=V_{k_1}\oplus V_{k_2}\oplus\ \dots\ \oplus V_{k_t}$ боғланган градуировка$\}$ ни L *Лейбниц алгебрасининг узунлиги* деб атаймиз.

**Таъриф 7.** $L$ Лейбниц алгебраси, агар $l(L)$=dim$L$ бўлса, *максимал узунликдаги алгебра* дейилади.

Маълумки, максимал узунликдаги ҳар қандай $n$-ўлчамли ($n$≥6) квази-филиформ Ли бўлмаган Лейбниц алгебраси қуйидаги ўзаро изоморф бўлмаган алгебра оилаларидан бирига изоморфдир:

$$M^{1,\delta}:\begin{cases}[e_1,e_1]=e_n, & [e_{n-1},e_1]=e_2,\ [e_i,e_1]=e_{i+1}, \quad 2\le i\le n-3,\\ [e_{n-1},e_{n-1}]=\delta e_4,\ \delta\in\{0,1\}, & [e_i,e_{n-1}]=\delta e_{3+i}, \quad 2\le i\le n-5;\end{cases}$$

$$M^{2,\lambda}:\begin{cases}[e_i,e_1]=e_{i+1}, & 1\le i\le n-3,\\ [e_{n-1},e_1]=e_n,\\ [e_1,e_{n-1}]=\lambda e_n, & \lambda\in C;\end{cases}$$

$$M^{3,\alpha}:\begin{cases}[e_1,e_1]=e_3,\ [e_i,e_1]=e_{i+1}, & 3\le i\le n-1,\\ [e_1,e_i]=-e_{i+1}, & 3\le i\le n-1,\\ [e_3,e_3]=\alpha e_6,\ \alpha=0,\text{ агар } n>6,\ \alpha\in\{0,1\},\text{ агар } n=6,\end{cases}$$

бу ерда $\{e_1,e_2,\dots,e_n\}$ алгебранинг базиси.

**Таъриф 8.** Айтайлик $d$ – $L$ Лейбниц алгебрасининг чизиқли алмаштириши бўлсин. Агар ихтиёрий $x,y\in L$ лар учун қуйидаги тенглик бажрилса

$$d([x, y])=[d(x), y]+[x, d(y)],$$

у ҳолда $d$ чизиқли алмаштиришга $L$ Лейбниц алгебрасининг дифференциаллаши дейилади.

Таъкидлаб ўтамизки, алгебра элементига ўнгдан кўпайтириш операторлари (яъни, алгебранинг ҳар қандай $y$ элементи учун $\mathcal{R}_x(y)=[x,y]$) дифференциаллаш бўлади, биз уларни ички дифференциаллашлар деб атаймиз.

Нил-боғлиқмас дифференциаллашлар тушунчасини келтирамиз.

**Таъриф 9.** $d_1,\dots,d_n$ лар $L$ Лейбниц алгебрасининг дифференциаллашлари системаси бўлсин. Агар уларнинг ҳар қандай тривиал бўлмаган чизиқли комбинацияси нилпотент бўлмаса, нил-боғлиқмас дифференциаллашлар дейилади, бошқача қилиб айтганда, агар ихтиёрий $\alpha_1,\alpha_2,\dots,\alpha_n\in\mathbb{F}$ лар учун шундай k натурал сон мавжуд бўлиб, $(\alpha_1 d_1+\alpha_2 d_2+\dots+\alpha_n d_n)^k=0$ бўлса, у ҳолда $\alpha_1=\alpha_2=\dots=\alpha_n=0$ бўлади.

Маълумки, ҳарқандай ечилувчан Лейбниц алгебраси максимал нилпотент идеалга эга. Агар $N$ нилрадикалга эга бўлган $R$ ечилувчан Лейбниц алгебраси берилган бўлса, у ҳолда уни $R$=$N\oplus Q$ шаклида ажратиш мумкин, бу ерда $Q$ нилрадикалга тўлдирувчи вектор қисм фазосидир. $N$ нилрадикалга тўлдирувчи вектор қисм фазосининг ўлчами $N$ нинг нил-боғлиқмас дифференциаллашларининг максимал сонидан катта эмас.

Нилрадикали $N$ ва тўлдирувчи фазосининг ўлчами s га тенг бўлган барча ечилувчан Лейбниц алгебралари оиласини $R(N$, s) билан белгилаймиз. Кейинчалик, $N$ нилрадикалга эга бўлган барча ечилувчан Лейбниц алгебралари тўпламини $N$ *нилпотент алгебранинг ечилувчан кенгайтмалари* деб атаймиз. Бундан ташқари, $Q$ нинг ўлчами мумкин бўлган максимал қийматга эга бўлганда, биз бундай кенгайтмаларни *максимал* деб атаймиз.

К.К. Абдурасулов ва бошқаларнинг мақоласида, $R(M^{1,0},2)$ оиласидан олинган ихтиёрий алгебра қуйидаги

$$\begin{cases} [e_1,e_1]=e_n, & [e_i,e_1]=e_{i+1}, \quad 2\le i\le n-2, \\ [e_1,x_1]=e_1, & [e_i,x_1]=(i-2)e_i, \quad 3\le i\le n-1, \\ [e_n,x_1]=2e_n, & [x_1,e_1]=-e_1, \\ [e_i,x_2]=e_i, & \quad 2\le i\le n-1, \end{cases}$$

алгебрага изоморф ва $R(M^{2,\lambda},2)$ оиласидан олинган ихтиёрий алгебра қуйидаги

$$R(M^{2,0},2):\begin{cases} [e_i,e_1]=e_{i+1}, & 1\le i\le n-3, \\ [e_{n-1},e_1]=e_n, & \\ [e_i,x_1]=ie_i, & 1\le i\le n-2, \\ [e_n,x_1]=e_n, & \\ [x_1,e_1]=-e_1, & \\ [e_{n-1},x_2]=e_{n-1}, & \\ [e_n,x_2]=e_n, & \end{cases}$$

$$R(M^{2,-1},2):\begin{cases} [e_i,e_1]=e_{i+1}, & 1\le i\le n-3, \\ [e_{n-1},e_1]=e_n, & \\ [e_1,e_{n-1}]=-e_n, & \\ [e_i,x_1]=ie_i, & 1\le i\le n-2, \\ [x_1,e_1]=-e_1, & \\ [e_n,x_1]=-[x_1,e_n]=e_n, & \\ [e_{n-1},x_2]=-[x_2,e_{n-1}]=e_{n-1}, & \\ [e_n,x_2]=-[x_2,e_n]=e_n & \end{cases}$$

алгебралардан бирига изоморф эканлиги исботланган.

$L$ Лейбниц алгебраси учун $M$ модулда $n$-когомология группа таърифини келтирамиз.

$L$ Лейбниц алгебраси ва $L$ устидаги $M$ модул учун қуйидаги белгилашни киритамиз:

$$C^n(L,M):=Hom(L^{\otimes n},M),$$

$n\ge 0$ да ($n<0$ да $C^n(L,M)$ни нол деб оламиз). $C^n(L,M)$тўпламнинг элементлари $n$-даражали занжир дейилади.

$d^n: C^n(L,M)\to C^{n+1}(L,M)$ гомоморфизм қуйидагича аниқланган бўлсин:

$$(d^n f)(x_1,\dots,x_{n+1}) := [x_1, f(x_2,\dots,x_{n+1})] + \sum_{i=2}^{n+1}(-1)^i [f(x_1,\dots,\widehat{x}_i,\dots,x_{n+1}), x_i] +$$
$$+ \sum_{1\le i<j\le n}(-1)^{j+1} f(x_1,\dots,x_{i-1},[x_i,x_j],x_{i+1},\dots,\widehat{x}_i,\dots,x_{n+1}),$$

бу ерда $f \in C^n(L,M)$, $x_i \in L$ ва $\hat{x}$ белгиси $x$ элементнинг йўқлигини билдиради. $d^n$, $n \geq 0$ гомоморфизмлар $d^{n+1} \circ d^n = 0$ хоссани қаноатлантиради.

$d^n$ гомоморфизм ядросининг элементларини ($\mathrm{ZL}^n(L,M) := Kerd^n$ билан белгилаймиз) $n$-коцикллар, $d^{n-1}$ образининг элементларини эса ($\mathrm{BL}^n(L,M) := \mathrm{Im}\, d^{n-1}$ билан белгилаймиз) $n$-кочегаралар дейилади. Равшанки, $\mathrm{BL}^n(L,M) \subseteq \mathrm{ZL}^n(L,M)$ ўринли. $\mathrm{HL}^n(L,M) := \mathrm{ZL}^n(L,M)/\mathrm{BL}^n(L,M)$ фактор фазо *қийматлари M модулда бўлган L алгебранинг n-даражали когомологик фазоси* дейилади.

**Таъриф 10.** Айтайлик $L$ – Лейбниц алгебраси бўлсин. Агар $\mathrm{HL}^2(L,L) = 0$ бўлса, у ҳолда $L$ Лейбниц алгебраси *когомологик қаттиқ* дейилади.

Балавуан критерийси шуни англатадики, Лейбниц алгебрасининг когомологик қаттиқлигидан алгебранинг одатдаги қаттиқлиги келиб чиқади.

Бизга $L$ – нилпотент Лейбниц алгебраси берилган ва $x \in L\backslash L^2$ бўлсин. $\mathcal{R}_x$ ўнг кўпайтириш нилпотент оператори учун $\mathcal{R}_x$ операторининг Жордан катаклари ўлчамларидан иборат, камаювчи $C(x) = (m_1, \dots, m_s)$ кетма-кетликни қарайлик. Бундай кетма-кетликлар тўпламида лексикографик тартибни аниқлаймиз.

**Таъриф 11.** Қуйидаги кетма-кетлик
$$C(L) = \max_{x\in L\backslash L^2} C(x)$$
$L$ алгебранинг характеристик кетма-кетлиги дейилади.

Характеристик кетма-кетлиги $(m_1, \dots, m_s)$, $m_s > 1$ бўлган модел нилпотент Лейбниц алгебраси тушунчасини келтирамиз.

Характеристик кетма-кетлиги $(m_1, \dots, m_s)$, $m_s > 1$ ва кўпайтма жадвали
$$[e_i^t, e_1^1] = e_{i+1}^t,\ 1 \le t \le s, 1 \le i \le m_t - 1,$$
бўлган Лейбниц алгебраси характеристик кетма-кетлиги $(m_1,\dots,m_s)$ бўлган *Ли бўлмаган модел нилпотент Лейбниц алгебраси* дейилади ва $N_{m_1,\dots,m_s}$ билан белгиланади.

1.2-параграфда $N_{m_1,m_2}$ модел нилрадикалли ечилувчан Лейбниц алгебраларининг тавсифи келтирилган.

Характеристик кетма-кетлиги $(m_1, m_2)$, $m_2 > 1$ га тенг бўлган ва кўпайтма жадвали
$$\begin{cases} [e_i, e_1] = e_{i+1}, & 1 \le i \le m_1 - 1, \\ [f_i, e_1] = f_{i+1}, & 1 \le i \le m_2 - 1, \end{cases}$$
бўлган $N_{m_1,m_2}$ Лейбниц алгебрасини қарайлик, бу ерда $\{e_1, \dots, e_{m_1}, f_1, \dots, f_{m_2}\}$ $N_{m_1,m_2}$ алгебранинг базиси. Нилрадикали $N_{m_1,m_2}$ бўлган ечилувчан Лейбниц

алгебраларини тавсифлаш учун ушбу алгебранинг дифференциаллашлар фазосини тавсифлаш керак.

**Тасдиқ 1.** $N_{m_1,m_2}$ алгебранинг ихтиёрий $d$ дифференциаллаши қуйидаги кўринишга эга

$$d(e_i)=i\alpha_{1,1}e_i+\sum_{j=i+1}^{m_1}\alpha_{1,j-i+1}e_j+\sum_{j=i}^{m_2}\alpha_{2,j-i+1}f_j, \qquad 1\le i\le m_2,$$

$$d(e_i)=i\alpha_{1,1}e_i+\sum_{j=i+1}^{m_1}\alpha_{1,j-i+1}e_j, \qquad m_2+1\le i\le m_1,$$

$$d(f_i)=\sum_{j=m_1-m_2+i}^{m_1}\beta_{1,j-i+1}e_j+\left((i-1)\alpha_{1,1}+\beta_{2,1}\right)f_i+\sum_{j=i+1}^{m_2}\beta_{2,j-i+1}f_j,\ 1\le i\le m_2.$$

1-Тасдиқдан $N_{m_1,m_2}$ алгебранинг нил-боғлиқмас дифференциаллашлар сонини топиш қийин эмас.

**Натижа 1.** $N_{m_1,m_2}$ алгебранинг нил-боғлиқмас дифференциаллашларининг максимал сони 2 га тенг.

Нилрадикали $N_{m_1,m_2}$ бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларини тавсифини $s$=1 да келтирамиз.

**Теорема 1.** $R(N_{m_1,m_2},1)$ оиладаги ихтиёрий алгебрада шундай $\{e_1,\dots,e_{m_1},f_1,\dots,f_{m_2},x\}$ базис мавжудки, унинг шу базисдаги кўпайтириш жадвали қуйидаги кўринишлардан бирига эга:

$$M_1:\begin{cases}[e_i,e_1]=e_{i+1}, \quad [x,e_1]=-e_1, & 1\le i\le m_1-1,\\ [f_i,e_1]=f_{i+1}, & 1\le i\le m_2-1,\\ [e_i,x]=ie_i+\sum\limits_{j=i+1}^{m_2}\alpha_{2,j-i+1}f_j, & 1\le i\le m_2,\\ [f_1,x]=\sum\limits_{i=m_1-m_2+1}^{m_1}\beta_{1,i}e_i+\beta_{2,1}f_1,\ \ [e_j,x]=je_j, & m_2+1\le j\le m_1,\\ [f_i,x]=\sum\limits_{j=m_1-m_2+i}^{m_1}\beta_{1,j-i+1}e_j+(i-1+\beta_{2,1})f_i, & 2\le i\le m_2,\\ [x,x]=\sum\limits_{i=1}^{m_2-1}\alpha_{2,i+1}f_i+\delta_{2,m_2}f_{m_2}, & \end{cases}$$

бу ерда агар $\beta_{2,1}\ne 1-m_2$ бўлса $\delta_{2,m_2}=0$ бўлади,

$$M_2:\begin{cases}[e_i,e_1]=e_{i+1}, & 1\le i\le m_1-1,\\ [f_i,e_1]=f_{i+1}, & 1\le i\le m_2-1,\\ [e_i,x]=\sum\limits_{j=i+1}^{m_1}\alpha_{1,j-i+1}e_j+\sum\limits_{j=i}^{m_2}\alpha_{2,j-i+1}f_j, & 1\le i\le m_2,\\ [e_i,x]=\sum\limits_{j=i+1}^{m_1}\alpha_{1,j-i+1}e_j, & m_2+1\le i\le m_1,\\ [f_i,x]=\sum\limits_{j=m_1-m_2+i}^{m_1}\beta_{1,j-i+1}e_j+f_i+\sum\limits_{j=i+1}^{m_2}\beta_{2,j-i+1}f_j, & 1\le i\le m_2,\\ [x,x]=\delta_{1,m_1}e_{m_1}.\end{cases}$$

Энди нилрадикали $N_{m_1,m_2}$ бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларини таснифини $s$=2 бўлганда келтирамиз.

**Теорема 2.** $R(N_{m_1,m_2},2)$ оиладаги ихтиёрий Лейбниц алгебраси қуйидаги алгебрага изоморф:

$$\begin{cases}[e_i,e_1]=e_{i+1}, & 1\le i\le m_1-1,\\ [f_i,e_1]=f_{i+1}, & 1\le i\le m_2-1,\\ [e_i,x_1]=ie_i, & 1\le i\le m_1,\\ [f_i,x_1]=(i-1)f_i, & 2\le i\le m_2,\\ [f_i,x_2]=f_i, & 1\le i\le m_2,\\ [x_1,e_1]=-e_1.\end{cases}$$

1.3-параграфда нилрадикали $N_{m_1,\dots,m_s}$ бўлган, нилрадикалга тўлдирувчи қисм фазосининг ўлчами максимал бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларининг таснифи келтирилган.

**Теорема 3.** $R(N_{m_1,\dots,m_s},s)$ оиладаги ихтиёрий Лейбниц алгебраси қуйидаги алгебрага изоморф:

$$\begin{cases}[e_i^t,e_1^1]=e_{i+1}^t, & 1\le t\le s,\ 1\le i\le m_t-1,\\ [e_i^1,x_1]=ie_i^1, & 1\le i\le m_1,\\ [e_i^t,x_1]=(i-1)e_i^t, & 2\le t\le s,\ 2\le i\le m_t,\\ [e_i^t,x_t]=e_i^t, & 2\le t\le s,\ 1\le i\le m_t,\\ [x_1,e_1^1]=-e_1^1,\end{cases}$$

бу ерда $\{x_1,\dots x_s\}$ – тўлдирувчи қисм фазосининг базиси.

Диссертациянинг «**Баъзи нилпотент Лейбниц алгебраларининг максимал ечилувчан кенгайтмаларининг тўлиқлиги**» деб номланувчи иккинчи бобида, ихтиёрий характеристик кетма-кетликка эга модел нилпотент Ли бўлмаган Лейбниц алгебрасининг максимал ечилувчан кенгайтмасининг ва максимал узунликдаги квази-филиформ Лейбниц алгебраларининг максимал ечилувчан кенгайтмаларининг дифференциаллашлари тавсифланган, шунингдек бу алгебраларнинг тўлиқлиги исботланган.

3-Теоремадаги $R(N_{m_1,\dots,m_s}, s)$ алгебранинг дифференциаллашлар фазосининг тавсифини келтирамиз.

**Тасдиқ 2.** Қуйидаги чизиқли алмаштиришлар $Der(R(N_{m_1,\dots,m_s}, s))$ фазонинг базисини ташкил қилади:

$$d_0(x_1) = -e_1^1,\ d_0(e_i^p) = -e_{i+1}^p, \quad 1 \le p \le s, \quad 1 \le i \le m_p - 1,$$

$$d_1(e_i^1) = ie_i^1, \quad 1 \le i \le m_1,$$

$$d_1(e_i^p) = (i-1)e_i^p, \quad 2 \le p \le s, \quad 2 \le i \le m_p,$$

$$d_p(e_i^p) = e_i^p, \quad 2 \le p \le s, \quad 1 \le i \le m_p.$$

**Тасдиқ 3.** $R(N_{m_1,\dots,m_s}, s)$ Лейбниц алгебраси тўлиқдир.

Шуни таъкидлаш керакки, нилрадикалга тўлдирувчи қисм фазонинг ўлчами максимал қийматидан кичик бўлса, у ҳолда тўлиқ бўлмаган алгебралар мавжуд. Масалан, 1-теоремадаги $M_1$ ва $M_2$ оилаларнинг алгебралари бирон бир параметр учун тўлиқ эмас.

2.2-параграфда биз максимал узунликдаги квази-филиформ Лейбниц алгебраларининг максимал ечилувчан кенгайтмаларининг тўлиқлигини исботлаймиз.

$R(M^{1,0}, 2)$ алгебранинг дифференциаллашлар фазосининг тавсифини келтирамиз.

**Тасдиқ 4.** $R(M^{1,0}, 2)$ алгебранинг ихтиёрий дифференциаллаши қуйидагича матрицавий кўринишга эга:

$$\begin{pmatrix}
a_{1,1} & 0 & 0 & 0 & \cdots & 0 & a_{1,n} & 0 & 0 \\
0 & a_{2,2} & a_{1,n} & 0 & \cdots & 0 & 0 & 0 & 0 \\
0 & 0 & a_{1,1}+a_{2,2} & a_{1,n} & \cdots & 0 & 0 & 0 & 0 \\
0 & 0 & 0 & 2a_{1,1}+a_{2,2} & \cdots & 0 & 0 & 0 & 0 \\
\vdots & \vdots & \vdots & \vdots & \ddots & \vdots & \vdots & \vdots & \vdots \\
0 & 0 & 0 & 0 & \cdots & (n-3)a_{1,1}+a_{2,2} & 0 & 0 & 0 \\
0 & 0 & 0 & 0 & \cdots & 0 & 2a_{1,1} & 0 & 0 \\
-a_{1,n} & 0 & 0 & 0 & \cdots & 0 & 0 & 0 & 0 \\
0 & 0 & 0 & 0 & \cdots & 0 & 0 & 0 & 0
\end{pmatrix}$$

**Тасдиқ 5.** $R(M^{1,0}, 2)$ Лейбниц алгебраси тўлиқдир.

5-Тасдиққа ўхшаш натижаларни $R(M^{2,0},2)$ ва $R(M^{2,-1},2)$ алгебралар учун келтирамиз.

**Тасдиқ 6.** $R(M^{2,0},2)$, $R(M^{2,-1},2)$ Лейбниц алгебралари тўлиқдирлар.

Диссертациянинг «**Берилган нилпотент Лейбниц алгебраларининг максимал ечилувчан кенгайтмаларининг когомологик қаттиқлиги**» деб номланувчи учинчи бобида, $F_n^1$ нинг берилган бир ўлчамли ечилувчан кенгайтмасининг ва максимал узунликдаги квази-филиформ Лейбниц алгебраларининг максимал ечилувчан кенгайтмаларини когомологик қаттиқлиги исботланган. Ихтиёрий характеристик кетма-кетликка эга модел нилпотент Лейбниц алгебрасининг максимал ечилувчанан кенгайтмасининг когомологик қаттиқлиги ўрнатилди.

И.А. Каримжановнинг ишида нилрадикали $F_n^1$ бўлган ($n$+1) ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраларининг таснифи олинган. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу тасниф учта алоҳида $R_1$, $R_3$, $R_4$ алгебраларидан ва иккита $R_2(\alpha)$, $R_5(\alpha_4,...,\alpha_n)$ параметрли оилалардан иборат. Таъкидлаб ўтамиз,

$$R_1:\begin{cases}[e_1,e_1]=e_3, & [e_i,e_1]=e_{i+1}, \qquad 2\le i\le n-1,\\ [e_1,x]=-e_1, & [e_2,x]=-e_2+e_n,\\ [x,e_1]=e_1, & [e_i,x]=-(i-1)e_i, \quad 3\le i\le n,\end{cases}$$

алгебра махсус хоссаларга эга, яъни қуйидаги натижа ўринли.

**Теорема 4.** $R_1$ алгебра когомологик қаттиқдир.

$\mathrm{HL}^2(R_1,R_1)=0$ шарти бажарилган Лейбниц алгебрасининг қаттиқлигидан фойдаланиб, биз қуйидаги натижани оламиз.

**Натижа 2.** $R_1$ алгебра $(n+1)$-ўлчамли Лейбниц алгебралари кўпхиллигида қаттиқ алгебрадир.

3.2-параграфда биз максимал узунликдаги квази-филиформ Лейбниц алгебраларининг максимал ечилувчан кенгайтмаларининг когомологик қаттиқлигини исботлаймиз.

**Теорема 5.** $\mathrm{HL}^2(R(M^{1,0},2),R(M^{1,0},2))=0.$

Қуйидаги теоремада $R(M^{2,0},2)$ ва $R(M^{2,-1},2)$ алгебраларнинг когомологик қаттиқ эканлиги исботланган.

**Теорема 6.** $\mathrm{HL}^2(R(M^{2,0},2),R(M^{2,0},2))=\mathrm{HL}^2(R(M^{2,-1},2),R(M^{2,-1},2))=0.$

3.3-параграфда 3-теоремада олинган $R(N_{m_1,\dots,m_s},s)$ ечилувчан Лейбниц алгебрасининг коэффициентлари регуляр модулда бўлган иккинчи когомология группасининг тривиаллиги исботланган.

**Теорема 8.** $\mathrm{HL}^2(R(N_{m_1,\dots,m_s},s),R(N_{m_1,\dots,m_s},s))=0.$

Шуни таъкидлаш керакки, $R(N_{m_1,\dots,m_s},s)$ алгебранинг 2-когомологик группасини ҳисоблашда 2-коциклар ва 2-кочегаралар фазоларининг ўлчамлари

$$(m_1+m_2+\dots+m_s+s)^2-(s+1)$$

сонига тенг эканлиги аниқланди.

**Натижа 3.** $R(N_{m_1,\dots,m_s}, s)$ алгебра $m_1 + \dots + m_s + s$-ўлчамли Лейбниц алгебралари кўпхиллигида қаттиқ алгебрадир.

## ХУЛОСА

Диссертация иши чекли ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебралари ва уларнинг когомологик ҳоссаларини ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Характеристик кетма-кетлиги $(m_1, m_2)$ га тенг нилрадикалли ечилувчан Лейбниц алгебраларининг тавсифи олинган.
2. Ихтиёрий характеристик кетма-кетликка эга модел нилпотент Ли бўлмаган Лейбниц алгебрасининг максимал ечилувчан кенгайтмаси олинган.
3. Ихтиёрий характеристик кетма-кетликка эга Ли бўлмаган модел нилпотент Лейбниц алгебрасининг максимал ечилувчан кенгайтмасини тўлиқлиги исботланган.
4. Максимал узунликдаги квази-филиформ Лейбниц алгебраларининг максимал ечилувчан кенгайтмаларининг тўлиқлиги исботланган.
5. Берилган филиформ нилрадикалли ечилувчан Лейбниц алгебрасининг когомологик қаттиқлиги исботланган.
6. Максимал узунликдаги квази-филиформ Лейбниц алгебраларининг максимал ечилувчан кенгайтмаларининг когомологик қаттиқлиги исботланган.
7. Ихтиёрий характеристик кетма-кетликка эга Ли бўлмаган модел нилпотент Лейбниц алгебрасининг максимал ечилувчан кенгайтмасини когомологик қаттиқлиги исботланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01**
**ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ**
**ИНСТИТУТЕ МАТЕМАТИКИ ИМЕНИ В.И.РОМАНОВСКОГО**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**МАМАДАЛИЕВ УКТАМЖОН ХАСАНБОЕВИЧ**

# ЖЕСТКОСТЬ РАЗРЕШИМЫХ АЛГЕБР ЛЕЙБНИЦА С ЗАДАННЫМ НИЛЬРАДИКАЛОМ

**01.01.06 –Алгебра**

**АВТОРЕФЕРАТ**
**диссертации доктора философии (PhD) по**
**ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.2.PhD/FM229.**

Диссертация выполнена в Национальном Университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу http://kengash.mathinst.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресуhttp://www.ziyonet.uz.

| | |
|---|---|
| **Научный руководитель:** | **Омиров Бахром Абдазович**<br>доктор физико-математических наук, профессор |
| **Официальные оппоненты:** | **Арзикулов Фарходжон Нематжонович**<br>доктор физико-математических наук |
| | **Эшматов ФарходХасанович**<br>доктор философии по физико-математическим наукам (PhD), старший научный сотрудник |
| **Ведущая организация:** | **Каракалпакский государственный университет** |

Защита диссертации состоится «23» декабря 2020 года в 17:00 на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 при Институте Математики имени В.И.Романовского. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4б.Тел.: (+99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Математики имени В.И.Романовского (зарегистрирована за № 108). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4б.Тел.: (+99871) 207-91-40).

Автореферат диссертации разослан «15» декабря 2020 года.
(протокол рассылки № 2 от «15» декабря 2020 года).

**У.А.Розиков**
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

**А.К.Адашев**
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.ф.-м.н

**А.Р.Хаётов**
Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Большое количество научных исследований в современной математике и физике сосредоточено на теории алгебраических систем и операторных алгебр. Алгебраические инструменты очень полезны при изучении элементарных частиц в квантовой механике, свойств твердых тел и кристаллов, при анализе модельных задач экономики, в задачах популяционной генетики и т.д.. Корни современной алгебры восходят к теории конечных групп и конечномерных ассоциативных алгебр. Дальнейшее развитие алгебраических систем и их взаимосвязей с другими направлениями математики и физики привело к появлению новых алгебр: альтернативных, йордановых и алгебр Ли. Каждый из этих объектов имеет важное значение, обусловленное их приложениями как в фундаментальной, так и в прикладной науке. Многолетние исследования в области алгебр Ли привели к возникновению ряда обобщений этих алгебр, таких как супералгебры Ли, бинарно Лиевые алгебры, алгебры Лейбница и другие. Алгебры Лейбница являются одним из важных обобщений и естественно предполагать, что многие результаты теории алгебр Ли могут быть распространены на случай алгебр Лейбница. В то же время доказательству результатов, справедливых для нелиевых алгебр Лейбница, придается особое значение.

В настоящее время одним из важных направлений современной алгебры являются исследования, посвященные теории алгебр Лейбница. Напомним, что данный класс алгебр, естественным образом обобщающий алгебры Ли и задающийся тождеством Лейбница, был впервые предложен Блохом в 1965 году под названием D-алгебр. Отметим, что выполнение тождества Лейбница равносильно тому, что оператор правого умножения на элемент алгебры является дифференцированием алгебры. Поэтому D-алгебры могут быть также заданы условием, что каждый оператор правого умножения на элемент алгебры является дифференцированием. Значительно позже, в начале 90-х годов прошлого столетия D-алгебры возникли в работе Ж.-Л. Лоде и Т. Пирашвили под современной терминологией – алгебры Лейбница. После работ Ж.-Л. Лоде и Т. Пирашвили алгебры Лейбница привлекли к себе активный интерес.

Следует отметить, что основной акцент исследований Лоде и его учеников приходился на когомологические задачи алгебр Лейбница. В то же время как более естественный подход к исследованию какого-либо многообразия конечномерных алгебр, а именно, построение структурной теории, ими не был рассмотрен. Первые результаты, посвященные исследованию структурной теории, появились в работах Ш.А. Аюпова и Б.А. Омирова. В частности, была получена классификация 3-мерных комплексных алгебр Лейбница, описаны классические свойства нильпотентных и разрешимых алгебр Лейбница и т.д. На данный момент можно сказать, что исследование основного скелета структурной теории конечномерных алгебр Лейбница над алгебраически замкнутым полем завершено. В основном эта заслуга принадлежит Ш.А. Аюпову и его ученикам, а также зарубежным ученым Д.Барнсу, В. Горбатцевичу, Х.М. Казасу и М. Ладре. Дальнейшие исследования алгебр Лейбница проводятся в направлении нахождения взаимосвязей с другими классическими многообразиями алгебр и приложения их в физике. Следует отметить, что последние исследования в теории алгебр Лейбница позволяют взглянуть на алгебры Ли под другим углом, что позволило не только обобщить результаты, справедливые для алгебр Ли, но и завершить нерешенные задачи теории алгебр Ли. Например, результат о классификации естественным образом градуированных алгебр Лейбница нильиндекса (n-3) также обобщил классификацию алгебр Ли такого типа. Это стало возможным благодаря усовершенствованию известных методов классификации нильпотентных алгебр Ли.

